



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 30 апрель, чоршанба

№35 (11.526)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Қимматли қоғозлар иқкиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қимматли қоғозлар иқкиламчи бозорини янада ривожлантириш, бозор инфратузилмасини такомиллаштириш ва республика фонд бозорига хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, иқкиламчи бозорда очик акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдигига доир битишувлар фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорларида ҳамда уюшган биржадан ташқари бозорларида амалга оширилади.

Иқкиламчи бозорда очик акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдигига доир фонд биржаларининг ҳамда тегишли лицензияларга эга бўлган қимматли қоғозлар биржадан ташқари савдолари ташкилотчилари савдо тизимларидан ташқарида тузилган битишувлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

2. Белгилансинки, акциялари "Тошкент" республика фонд биржаси листингининг юқори тоифаларига ("А" тоифасига) киритилган акциядорлик жамиятлари учун 2005 йил 1 январгача даромад (фойда) солиғи ставкалари амалдагига нисбатан 10 фоизга камайтирилади, бўшаб қолган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлашга ва замонавийлаштиришга йўналтирилади.

3. "Тошкент" республика фонд биржаси истисно тариқасида уч йил муддатга қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин, бўшаб қоладиган маблағлар унинг савдо ва ахборот тизимларини ривожлантиришга ва асбоб-ускуналар харид қилишга мақсадли йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 29 апрель.

Хушхабар

«Оҳангароншифер» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш қатори унинг сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Шу мақсадда шифер тайёрлаш технологияси

ОҲАНГАРОН ШИФЕРИГА ХАЛҚАРО БАҲО

изчил такомиллаштирилган, мавжуд асбоб-ускуналар ва технология лийнларининг созлик даражаси оширилмоқда.

Бундай техникавий ишлар ўз самарасини бера

бошлади. Кейинги пайтларда ташкил этилган қатор халқаро бинокорлик ашёлари кўргазмаларида намойиш этилган корхона шифери ўз тури бўйича юксак жаҳон ме-

зонлари даражасида эканлиги қайд қилинди. Бу маҳсулот жаҳон саноатчилар уюшмасининг Олтин медали билан тақдирланди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҒАНИМАТ ДАМЛАР

рахбару мутахассисни, фермеру пудратчини, оддий деҳқону механизаторни далага чорламоқда.
Мақсад — чигитни кечиктирмай, сифатли экиб олиш

Ниҳоят, сурункали ва кучли ёғинлар ортда қолди. Ҳаво очилиб, кўёли кунлар бошланди. Ер қизиб, намлик кўтарилди. Чигит экиш билан боғлиқ техника воситаларини далага олиб кириш имконияти туғилди. Бу дамларнинг ҳар дақиқаси ғанимат. Бунинг барча англаб, тушуниб турибди. Шу боис, ҳозир вилоятнинг беистисно барча ҳўжаликларида оммавий сафарбарлик ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетди. Мавжуд куч ва имкониятлар ғанимат кунларнинг ҳар сониясидан унумли фойдаланиб, чигитни тез ва соз экиб олишга қаратилмоқда.

Жойларда, аввало, ҳамма экиш агрегатларини тўлиқ сафарбар этиш, уларни эрта тонгдан то кеч қоронгусигача тўхтовсиз ва юксак унум билан ишлатиш чоралари кўрилмоқда. Вилоят кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармасидан хабар қилишларича, ер яхши етилган жанубий минтақалардаги айрим ҳўжаликларда тракторларга махсус электр чироқлар ўрнатиб, кечқурун ҳам имкон қадар экишни давом эттиришга ҳаракат қилинган. Жумладан, иш намунаси ташкил этилган Янгийул, Чиноз, Юкоририччиқ ва Бекобод туманлари

ҳўжаликларида 80-90 фоиз майдонга чигит экиб бўлинди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу йил барча майдонларга экиш билан бир вақтда гербицид сепиш ҳам қатъий йўлга қўйилди. Чунки, ерда намлик кўплиги сабабли, ёш гўза ниҳолларини қалин ўт боши хавфи бор. Гербицид эса, бунинг олдини олади. Мавжуд имкониятлар ҳисобга олиниб, режадаги 108 минг гектар май-

донга чигит экишни 2 майга қадар яқунлаш мўлжалланган. Бугунги кунгача қарийб 80 минг гектар ерга чигит экиб бўлинди. Кунига эса, 9-10 минг гектар майдонга барака уруғи қадалмоқда.

Айрим илғор ҳўжаликларда чигитни тезу соз экиб олишга эришилди. Жумладан, Юкоририччиқ туманидаги Аҳмад Ясавий номли ширкат ҳўжалиги пудратчилари ҳам айни дамларда сўнгги гек-

тарларга барака уруғи қадалмоқдалар.


Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА: тажрибали механизатор Суннат Мадрамов чигитнинг вақтида экиб олинишига катта ҳисса қўшиш; пудратчи Усмонови Жонтоев механизатор Туле Утеев билан экиш сифатини кўздан кечириш.

Даврон АҲМАД олган
суратлар.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ажратган кредитлар ҳисобига вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида ҳам янги корхоналар барпо этиляпти.

ЕТБ ёрдами билан: ЯНГИ КОРХОНА БАРПО ЭТИЛЯПТИ



Evropa
Tiklanish va Taraqqiyot
Banki

Чунончи, шундай имтиёзли сармоядан «Бекободцемент» очик ҳиссадорлик жамияти ҳам баҳраманд бўлмоқда. Бу ерда шу банк берган кредит ҳисобига черепица тайёрлашга иштирокчи бўлган барпо этилмоқда.

Қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётган вилоятимизда черепица сингари қулай ва арзон ёпилғи материалларига та-

лаб жуда катта. Уни яқка тартибда уй ва бошқа иморатлар қураётган фуқаролар ҳам кўплаб харид қилишлари мумкин. Бозор талабини ўрганиш шунинг кўрсаткичи. Шунинг учун ҳам корхона маъмурияти уни тайёрлашни ўзлаштириш режасини тузди. Бунинг учун зарур ишлаб чиқариш майдони бўлиб, у янгиликни жорий қилишга мослаштирилмоқда. Зарур асбоб-ускуналарни чет эллардан келтириш назарда тутилган. Бунинг учун Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки етарли маблағ ажратди.

Янги цех ишга тушгач, хар йили кўплаб харидорлар қурилиш ашёси — черепица тайёрлаш йўлга қўйлади. Бу билан истеъмол бозорини тўлдириб, муносиб ҳисса қўшилади. У корхона жамоаси олаётган даромад ва фойда ҳажми янада кўпайиши учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Вилоят ҳокимлигида

САЙЁР ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг соғлиқни сақлаш бошқармалари бошликлари, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони-нинг Тошкент вилоятида бажарилиши, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

Хусусан, вилоят миқёсида мазкур соҳада қилинаётган ижобий ишлар алоҳида таъкидланган ҳолда, айрим даволаш муассасаларидаги етишмовчиликлар, бино-

ларнинг капитал ва жорий таъмирга муҳтожлиги, тиббий асбоб-ускуналарни янгилаш лозимлиги ҳақида қўнучаклик билан гапирилди.

Йиғилишда бошқа бир қатор муаммолар, хусусан, оналар ва болалар ўлими, турли касалликлар даражаси ва бошқа қатор масалалар юзасидан ҳар томонлама фикрлашиб олинди. Тегишли ташкилот ва муассасаларга аниқ вазифалар юкланди.

Йиғилишда қўрилган масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг қўшма қарори қабул қилинди.

2003 йил — Обод маҳалла йили

ВИЛОЯТ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Вилоятимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ислохотларни чуқурлаштириш, юртимизни обод қилишга қаратилган

муҳим дастурлар қабул қилинган ва улар ўз ижросини топиб бормоқда. «Обод маҳалла йили» муносабати билан шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишлар ана шунинг бир бўлагидир.



Қишлоқ ва ислохот

«АВВАЛО, ЕРГА АЧИНАМАН»

дейди пскентлик кекса фермер
Маҳмудхожи ота Қосимов

Жамоа ҳўжаликлари тугатилиб, аъзоларнинг пай улушига асосланган ширкат ҳўжаликлари ташкил қилинди ва меҳнатнинг ижара, оилавий пудрат усуллари жорий этилди.

Бундан мақсад нима эди? Экин майдонларини эгасизликдан қутқариб, эгаллик қилиш эди.



Муаммо, мулоҳаза, таклиф

БАЛОҒАТ ДОВОНЛАРИ

Ҳаёт уч негиздан иборат: кеча, бугун ва эрта. Бу борада ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний баркамаллигини таъминлаш, соғлом

турмуш тарзини вужудга келтириш, келажакка бўлган меҳр-муҳаббатини шакллантириш энг долзарб вазифа ҳисобланади.



2003 йил — Обод маҳалла йили

Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ислом КАРИМОВ.

ВИЛОЯТ ЧИРОЙ
ОЧМОҚДА

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос бебаҳо, ўхшаши йўқ қадриятлари бор. Аждодларимиздан қолган бу мерос халқнинг баҳамжият, барқарор яшashi, она заминни, азиз ва мўътабар Ватанини янада обод қилиб, яшнатиб, келгуси авлодларга қолдиришга хизмат қилади. Ана шу қадриятларнинг бири — тарихан маҳалла деб аталган маскандир.

— Мамлакатимиз Президентининг жорий йили «Обод маҳалла йили» деб эълон қилишлари вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги 1,2 мингдан зиёд маҳаллада шу пайтгача олиб борилаётган ишларга ўзгача қўлдам, ўзгача руҳ бағишлади, — деди Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи комиссия раисининг ўринбосари Адиба Аҳмаджонова «Тошкент ҳақиқати» муҳбирига. — Сир эмас, гоҳи пайтларда маҳаллаларни ободонлаштириш, уларни шим ва файзли манзилгоҳларга айлантириш режалари қорозда қолиб қолган. Турли тадбирлар, айтилиб, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлари ўтказилар, лекин муддат тугагач, кўп ҳолларда, ҳатто, экилган гул ва кўчатларга эътибор берилмай, қуриб қоларди.

Шуларни назарда тутиб, вилоят ҳокимлиги обод маҳалла йилида бу жараёнга мутлақо янги ҳаракатларимизда кескин бурилиш ясади деб айта оламиз. Шаҳар ва қишлоқларимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги мазкур қарорга биноан эндиликда биз бу вазифаларга кўклагимиз «ўтди-кетди» бир тадбир деб қарай оламиз. Мевазор боғлар, сайгоҳлар, гўзал истироҳат боғлари, хибонлар барпо этиш, аввало, маҳаллалар, қорхона ва ташкилотларнинг атроф-теварагини тоза ва кўркем ҳолга келтириш, янги гузарлар барпо этиш, биноларга замонавий меъморий «либос» кийдириш — қарор йўналишларини низоҳатда кенгайтириб юборди. Фақат бугина эмас. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари бу йил вилоятимиз ҳудудида уч босқичда ўтиши қатъий белгиланган, бу соҳадаги жамий ишларни комиссия тасдиқлаб, шаҳар ва туманлар бўйича мунтазам ҳаракатдаги ишчи гуруҳлари фаолият кўрсата бошладилар.

— Уларнинг асосий вазифалари нималар-

дан иборат?

— Аввало, ишчи гуруҳлари қандай шакллантирилганлигига эътиборни қаратмоқчиман. Биласизки, илгарилари вилоятда фаол борки, шундай гуруҳлар таркибига қўшиб қўйилар, шу сабабли ишлар ҳам ўлда-жўлда қолиб кетаверарди. Эндиликда ишчи гуруҳига ўз хизмат фаолияти жиҳатидан вилоятимиз обод ва гўзаллигини таъминлашга даъват этилган муайян масъул раҳбарлар бошлиқ қилиб белгиланди. Улар таркибидан бундан ташқари раҳбарларнинг ва бўлимларнинг мутахассислари бевосита иш олиб бормоқдалар.

Айтилиб, Оҳангарон, Ангрен шаҳарлари ва Оҳангарон тумани бўйича ишчи гуруҳи таркибидан вилоят автомагистрал бирлашмаси, бинолардан фойдаланиш бошқармаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбарлари фаолият кўрсатаёттирлар. Мана шу гуруҳ назорати, маҳаллий ҳокимият гайрат-ташаббуси билан биргана Ангрен шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича 42 та чоратадбир белгиланиб, амалга оширилмоқда. Чунончи, шаҳар маҳаллаларида жами 4,8 гектар майдонга 14,4 минг туп гул кўчатлари экилди. Йўл бўйларидаги қуриб қолган дарахтлар ўрнида бугун мева кўчатлар гуркираб ўсиб турибди.

Ангрен-Қўқон йўли, шаҳарнинг ички кўчаларини таъмирлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилиб, 35 минг туп манзарали, 4,2 минг туп мева дарахт кўчатлари экилди. 65 километр узунликдаги суғориш ариқлари ва зовурлар тозаланди, йўлакчалар тартибга келтирилди. 28 гектар майдонда — Навоий кўчаси ва коллеж атрофларида 60 минг туп мева ва 10 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Ангрен шаҳрининг Боғи Сурх маҳалласида олиб борилаётган ишлар, айнисқа, диққатга сазовор. Бу ердаги 705 хонадонда 3500 киши истиқомат қилади. Маҳалла оқсоқоли Мираҳмад Хайитметов раҳбарлигида ҳозиргача 4 километр ариқ ва зовурлар, шунингдек, кўча ва майдончалар 22 тонна маший чикиндилардан тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, йўл ёқалари, майдончалар ва ма-

ҳалла гузариди 5 минг туп манзарали, 2150 туп мева дарахт кўчатлари, кўп миқдорда атиргул, чиннигул, гладиолус ва бошқа гуллар ўстирилмоқда.

Бундай намунали, обод ва файзли жамоалар сирасига Бўстонликдан Сойлик қишлоғи, Янгийўлдан «Нибёбош» ширкат хўжалигини, Паркентдан Ўчоқ, Обжувоз, Бўқадан Тошлок, Бекобод шаҳридан Пахтакор, Оққўрғон туманидан «Ўзбекистон», Чирчиқ шаҳридан Биринчи, Олмалик шаҳридан Ўсмон Носир номли, Ўртачирчиқдан Дерантепа, Тошкент туманидан Шамсиобод, Қибрай-дан Навоий номли маҳаллаларни киритиш мумкин.

— **Амалга оширилаётган ишларнинг уч босқичли хусусиятини шарҳлаб берсангиз.**

— Жамий ишларимиз йўналишлари ва босқичлари вилоят дастурида ўз ифодасини топади. Биз биринчи босқични март ойида якунладик. У асосан тайёргарлик жараёнидан иборат бўлди. Апрель ойидан бошлаб иккинчи босқич — бевосита дастур ижросига киришдик. Тадбирлар кўлами барча ишчи гуруҳлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари бу жараёнда кенг кўламли таъмирлаш-қурилиш, чикиндилардан тозалаш, кўчат екиш ва парваришлаш каби ишларни ташкил этмоқда.

Учинчи босқич сентябрь-декабрь ойлари камраб олади. Ўша пайтга қадар, бажарилган ишлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва баҳоланади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида шаҳар ва туманлар рейтингини аниқлаб, голиблар махсус совгалар билан тақдирланади.

— Ҳозир жойларда дастур ижросининг мониторингларини ўтказиб, ишларнинг боришини ҳар икки ҳафтада комиссиямиз йиғилишида таҳлил қилиб бораёпмиз, — деди суҳбат пировардида Адиба Комилжоновна. — Мақсадимиз — ишни бир маромда давом эттириб, шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз чиройлига чирой қўшиш, уларни ҳар бир фуқаро учун азиз ва гўзал жойга айлантиришдан иборат. Зеро, биз ўз шаҳримиз, қишлоғимиз, маҳалламиз — озод ва обод Ватанимиз билан фахрланамиз, уни янада кўркем ва файзли қилишга интилиб яшаймиз ва ишлаймиз.

Дил изҳори

БИЗ КЎКСАРОЙДАНМИЗ

Юртбошимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурганларида ҳаммамиз ўзимизда кучли маънавий қониқчи ҳосил қилдик. Чунки, бу ташаббуснинг таъсирида ижтимоий-иқтисодий жуда катта маъно ва мақсад бор эди. Шунинг учун ҳам «Обод маҳалла йили» давлат дастурини амалга оширишга каттаю кичик зўр кўтаринкилик билан киришдик.

Бизнинг маҳалламизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли яшайди. 665 та хонадонда 990 оила ахилоқ истиқомат қилмоқда.

Йил бошидан буюн маҳалламизда ҳар жиҳатдан ҳавас қилса қилса ишлар амалга оширилди. Барча уйлар тўлиқ газ-

лаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган. Бунинг учун 3,5 километр масофага ичимлик суви қувурлари тортилди. Ҳозиргача 100 та ҳовлига сув ўлчогичлар ўрнатилди.

Шу кунларда маҳалламиз гузарини мукамал таъмирдан чиқаряпмиз. Арк дарвозаси унга янгича салобат ва файз бағишлайди. Жами 9,5, шу жумладан, ҳашар йўли билан 2,5 минг квадрат

метр йўлга асфальт ётқизилиб, болаларнинг спорт уйингоҳи фойдаланишга топширилди. Маҳалламиздаги мактаб билан болалар боғчасининг иситиш тармоғи тўлиқ янгиланди.

Маҳалламизда саховат-пеша, ҳамятли инсонлар оз эмас. Уларнинг қўллаб-қувватлаши билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга 450 минг сўм пул, 1

тонна ун тарқатилди. Ногирон болаларга 150 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Биз «Обод маҳалла йили»да маҳалламизни янада кўркем қилиш, одамлар турмуш даражасини кўтариш йўлидаги сай-ҳаракатларимизни кучайтириш имкониятларини қидириб топмоқдамиз. Шамсиобод яна ҳам чирой очиб, гўзалроқ бўлиши учун куч-ғайратимизни қаймаймиз.

Мирсалим УСМОНОВ,
Тошкент тумани
Кўксарой қишлоғидаги
Шамсиобод
маҳалласининг
оқсоқоли.

БОШЛАНҒИЧ
ТАШКИЛОТЛАР
МАСЪУЛИЯТИ

«Обод маҳалла йили» муносабати билан муҳофафза кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши «Обод маҳалла йили» дастури доирасида маҳаллаларда бошланғич ташкилотлар ишини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида жойларда ўқув-услубий семинарлар ташкил қилмоқда.

Уларни ўтказишдан мақсад «Ватанпарвар»нинг маҳаллалардаги бошланғич ташкилотларининг вазифалари нималардан иборат эканлигини тарғиб қилиш ва уларга аниқ масъулиятлар юқлаштириш.

Ана шундай услубий семинарлар Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Паркент туманларида бўлиб ўтди. Буларда бошланғич

ташкилотлар негизда ёшларнинг қизиқишларига қараб, ватанпарварлик клублари очиб, улар фаолиятини йўлга қўйиш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, клублараро, шаҳар ва туман биринчиликлари мусобақаларини уюштиришга асосий эътибор қаратилди.

Ўз муҳбиримиз.

ИШСИЗЛИК
МУАММО ЭМАС

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганига ҳадемай беш йил бўлади. Ана шу қонун ижросини таъминлаш жойлардаги меҳнат бўлимлари фаолиятига тааллуқлидир.

Бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида Янгийўл тумани меҳнат бўлими ходимлари ҳам аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ва бандлик дастурини амалга ошира бориб, ахши натижаларга эришмоқдалар. Биргина шу йилнинг ўтган даврида 286 киши ишга жойлаштирилди. 5 кишига ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланди. Иқтисодий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган аҳоли қатламлари учун 518 ишчи ўрни квоталаштирилган эди. Ҳозирда 60 киши квота бўйича иш билан таъминланди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

ЭЪЗОЗДАГИ
МАСКАН

Олмалик шаҳрининг Ўсмон Носир номидаги маҳалла ахли ўз масканини жуда эъзозлайди. Маҳалланинг йўллари раво. Хонадонлар тўла газлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган.

Магазинлар, саргароҳона, этиқдўз устаканасио қариялар чойхонасини ўз ичига олган гузар эл хизматида. Гузарини маҳалла ахли ҳашар йўли билан бунёд этди. Яқинда бу ерда янги мактаб ҳам ишга тушди.

— Маҳалламизда биронта қўйди-чикидил хонадон йўқ, — дейди маҳалла фаоли Салима опа Робилова. — Қўмитамиз ҳузурида тажрибали отахон-онахонлардан иборат комиссиялар ишлаб турибди. Биронта оилада жанжал чикқудай бўлса, дарров муросяо мадора йўлини излайми. Ёшлар орасидаги ишсизликка ҳам барҳам бердик, ҳисоби.

Маҳалла қўмитаси яқинда етти нафар йигитни ишга жойлади. Бунда маҳалла атрофидаги қорхоналар раҳбарияти билан ўтказилган музокаралар яхши самара берди. Шунинг-

дек, оилаларга деҳқон хўжалиги ташкил этиш, кичик қорхоналар тузишда ҳам кўмак берилмоқда. Кам таъминланган, серфарзанд оилалардан маҳалла ахли ёрдамини асмайди. Бироқ, қўмита аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа, самаралироқ усулларини излайди. Хонадонларга газ ва сув ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши бунга яққол мисол бўла олади. — Ўзимдан қиёс, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Махмуджон Гафуров бу ҳақда сўз очилганида жонланиб, — Хонадонимизда эҳтиёжи учун одатда олти-етти минг сўмлик табиий газ сарфлар эдик. Газ ҳисоблагич ўрнатилган, ойига тўлаётган пулимиз икки мингдан ошмапти. Ана энди буни маҳалламиздаги икки юзга яқин хонадонга қақиб кўринг. Одамларимизнинг пешона тери билан топан қанчадан қанча маблағи ёнида қолпти. Бу ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир йўли-да.

«Олмаликга» қорхонаси билан ҳамкорликда ишладик. Натижада бугунги кунда маҳалламиздаги барча хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатиб чиқилди. Эндиликда ичимлик суви ҳам ана шундай ҳисоблагич ўрнатилиш билан боғлиқ.

Бу йилги Нарвўз баҳона маҳалла янада ободлашди. Маҳалла ахли бир тан-бир жон бўлиб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Ариқлар тозаланди, мева кўчатлари ўтказилди. Аслида, ўзбекининг маҳалласи шунча бўлади-да, ўзи!

Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, Судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний равишда яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автотранспорт воситаларининг қимматиди савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. «ГАЗ-53» автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 I 13-52, бошланғич нархи 160.000 сўм, техник носоз.
2. «МАЗ-300» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 X 04-81, бошланғич нархи 800.000 сўм, техник носоз.
3. «ГАЗ-3320» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 455, бошланғич нархи 3.600.000 сўм, техник носоз.
4. «КамАЗ-5320» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 F 0005, бошланғич нархи 2.800.000 сўм, техник носоз.
5. «ГАЗ-52» автомобили, давлат рақами У 7359 ТШ, бошланғич нархи 1.002.240 сўм, техник носоз.
6. «ЕРАЗ-762» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган,

- давлат рақами 11 I 08-99, бошланғич нархи 832.000 сўм, техник носоз.
7. «ГАЗ-53» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 А 20-19, бошланғич нархи 1.002.240 сўм, техник носоз.
8. «ГАЗ-53» автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 В 41-53, бошланғич нархи 1.002.240 сўм, техник носоз.
9. «ГАЗ-53» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 X 37-68, бошланғич нархи 1.002.240 сўм, техник носоз.
10. «ГАЗ-52» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 L 08-27, бошланғич нархи 832.000 сўм, техник носоз.
11. «ГАЗ-САЗ 357» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 K 01-58, бошланғич нархи 956.800 сўм, техник носоз.
12. «ЗИЛ-130» русумли автомобили, давлат рақами Ю 52 91 ТН, бошланғич нархи 1.600.000 сўм, техник носоз.

13. «ИЖ-2715» русумли автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 W 06-74, бошланғич нархи 500.000 сўм.
14. «ЕРАЗ-762В» русумли автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Z 60-64, бошланғич нархи 500.000 сўм.
15. «УАЗ-3303» русумли автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 M 20-46, бошланғич нархи 832.000 сўм, техник носоз.
16. «ЗИЛ-130» русумли автомобили, давлат рақами 11 AC 354, бошланғич нархи 350.000 сўм.
17. «ЗИЛ-130» русумли автомобили, давлат рақами M 91 07 ТШ, бошланғич нархи 250.000 сўм.
18. «ГАЗ-3302» русумли автомобили, давлат рақами 10 AL 130, бошланғич нархи 2.480.000 сўм.
- Кимовши савдоси 2003 йил 3 май куни соат 11.00 да Тошкент вилояти Тошкент туман Суди биноси, 5-хонасида ўтказилди.
- Кимовши савдосида қатнашадиган қорхоналар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоиз миқдориди тўлов тўлашлари лозим.
- Кимовши савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рухсатдан ўтиш 2 май куни 11.00 га қадар давом этади.
- Манба:** Тошкент тумани, К. Ғофуров кўчаси, 10-йў, 1-қават, 5-хона.
- Маълумот учун телефонлар:** 152-73-43, 53-08-78, 8-296-53-718.

(Давоми.
Боши 1-бетда).

1 2 3 4 5 6